

Муаллиф: Абдулмалик Қосим
Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

ФАРЗАНДИНГИЗ МУБОРАК!

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Қанча-қанча бепушт эркак ва аёллар бўлишига қарамай, Сизга туғадиган рафиқани насиб этган ва сизни ўзидан кейин зурриёт қолдирадиган кишилардан қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Зеро, пуштли рафиқа ва фарзанд катта неъматлардан биридир. Аллоҳ таоло: **"Бойлик ва фарзандлар дунё ҳаётининг зийнатидир"** (Қаҳф: 46)- деди. Шунинг учун ҳам, туғилган фарзанд хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин Аллоҳнинг неъматини ўлароқ кўриб, шукроналар айтиб, севаининг. Муҳими, гўдак соғлом ва аъзолари бус-бутун бўлсин. Бас, ўз лутфу карами билан уни инъом этган яратувчиларнинг энг яхшиси улуғ бўлди: **"(У Аллоҳ) хоҳлаган бандасига ўғил, хоҳлаганига қиз ёки эгиз: ўғил-қиз ато этади ва хоҳлаган бандасини туғмас қилади"**. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тўртта қизлари бор эди (Аллоҳ улардан рози бўлсин). Имом Аҳмад ибн Ҳанбал қиз кўрганида: **"Пайғамбарлар - қизларнинг отасидирлар. Улар(ни тарбиялаш ва уларга бош-қош бўлиш) ҳақида нималар айтилганини яхши биласиз"**- деган эди. Қиз фарзанд туғилганидан норози бўлиш, жоҳилият одатларидандир. Ислом динимизда эса, улар бизларни жаннатга олиб борадиган дарвозадирлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **"Икки қизни тарбиялаб вояга етказган киши мен билан қиёматда шундай бўлади"**- дедилар-да, икки бармоқларини бирлаштирдилар (*Имом Муслим ривояти*).

Агар чиройли тарбия берган бўлсангиз, фарзандларингиз амал тарозисининг хасанотлар палласида бўладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **"Одам фарзанди ўлса амаллари тўхтайдир. Фақат учта амали тўхтамайди"**- дедилар-да: **"Унга дуо қиладиган солиҳ фарзанд"**ни зикр қилдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **"Банданинг мақоми кўтарилади ва банда: "Роббим, бу мақом менга қаердан келди?"- деб сўрайди. (Аллоҳ таоло): "Фарзандингнинг сенга ўлимидан сўнг айтган истиғфори сабабли!"- дейди"** (Имом Аҳмад ривояти).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматининг кўп бўлишидаги ҳикмат, Аллоҳнинг яктолигига ишонадиган ва Ислом динини дунёга ёядиган инсонларнинг чиқаришдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **"Севимли ва туғадиган хотин-қизларга уйланишлар! Мен Қиёмат кунини сизларнинг кўплигингиз билан пайғамбарлар ўртасида фахрланаман!"**- дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

Қиз ва ўғиллар туғиб берадиган рафиқангиз сизга муборак бўлсин!

Чақалоқ туғилганида қилиниши керак бўлган баъзи суннат ва одоблар

1. Чақалоқнинг қулоғига азон айтиш.

Шояд чақалокқа эшиттирилган биринчи суннат азон бўлишининг сири, унинг кулоқларига ҳар кун беш марта эшитилиши билан шу нидо ила улғайиши ва келажакда буюк рукн – намозни ўз вақтида адо этиши учундир. Азон чақалокнинг ўнг кулоғига айтилади, Абу Рофеъ разияллоҳу анҳу деди: **"Мен расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Фотима (разияллоҳу анҳо) туққанларида Ҳасан ибн Алий (разияллоҳу анҳумо)нинг кулоғига азон айтганларини кўрдим"** (Абу Довуд ривояти).

2. Чақалок оғзига бармоқ солиш.

Имом Бухорий ва имом Муслимларнинг "Саҳиҳ" китобларида Абу Бурда Абу Мусо разияллоҳу анҳудан нақл қилди. У деди: **"Ўғил кўрдим ва уни расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига олиб бордим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга Иброҳим деб исм қўйдилар ва бармоқларига чайналган хурмо қўйиб, (чақалокнинг) танглайига сурдилар"**. Имом Бухорий ривоятида: **"Сўнгра ўғлимга барака сўраб дуо қилиб, қўлимга бердилар"** лафзини зиёда қилди. Чақалок оғзига бармоқ солишдан мақсад, бармоқ учига озгина эзилган хурмо қўйилиб уни чақалок оғзига солинади-да, бармоқни оғизнинг танглайига теккизиб ўнг ва чап тарафга қаратиб ҳаракатлантирилади.

3. Чақалокқа чиройли исм қўйиш.

Исм - Аллоҳга қуллиқ аломатлари кўринган ва у билан Аллоҳга яқин бўладиган исмлардан бўлсин. Исм ё чақалок туғилган куннинг еттинчисида ёки туғилган куннинг ўзида қўйилиши мумкин.

Самура разияллоҳу анҳу деди: **"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ҳар бир чақалок ақиқасига гаровга қўйилган. Еттинчи кунда ақиқа сўйилади, исм қўйилади ва сочлари олинади"- дедилар"** (Имом Аҳмад ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **"Бу кеча ўғил кўрдим ва унга бобом Иброҳимнинг исмини қўйдим"** (Имом Муслим ривояти).

Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, чақалокқа қачон бўлса ҳам исм қўйилаверилади. Исмни ота ва она, агар ўзаро келиша олмасалар, ота қўяди. Ота ҳоҳласа ўзи исм беради, ҳоҳласа онага бу ҳақни беради ёки у билан қуръа ташлайди. Агар ҳоҳласа бобо, буви ва бошқаларга ҳам бу ҳақни бериши мумкин.

Чақалокқа исломий исмлар қўйиш. Аллоҳ учун энг севимли исм "Абдуллоҳ" ва "Абдурраҳмон" исмлари дидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **"Исмларингизнинг Аллоҳ учун севимлироқ бўлгани – Абдуллоҳ ва Абдурраҳмондир"** (Имом Муслим ривояти). Бундан кейингилари Абдурраҳим, Абдуллатиф ва шунга ўхшаш Аллоҳга қуллиқ ифодаси бўлган исмлардир.

Пайғамбарларнинг исмларини қўйиш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **"Ўзларингизга пайғамбарлар исмларини қўйинг!"** (Имом Аҳмад ривояти).

Саҳобалар, уламолар, шаҳидлар ва Ислом даъватчилари каби солиҳ инсонлар исмини қўйиш. Масалан: Умар, Усмон, Алий, Саъд, Талҳа, Муовия, Урва, Сухайл, Мусъаб, Ёсир, Анас ва бошқалар. Қизларга эса расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари ва қизлари, солиҳалиги, ифбатлилиги ва диндорлиги билан шуҳрат қозонган хотин-қизларнинг исмлари. Масалан: Хадича, Оиша, Фотима, Асмо, Сумайя, Насиба, Хавла ва бошқалар.

Олий ва шарафли маъноларни ўз ичига олган исмлар қўйиш. Масалан: Ҳамза, Холид, Усома, Ҳорис, Ҳумом, қизлар учун: Сора, Суод ва Афоф каби.

Агар исмлари чиройли бўлса бобо ва бувиларнинг исмларини қўйиш ҳам яхшидир.

Таъқиқланган исмлар

Биринчи: қўйилиши харом бўлган исмлар

1. Аллоҳдан бошқасига кулик ифодаси бўлган исмлар. Масалан: Абдуннабий (Пайғамбар бандаси), Абдуррасул (Расул бандаси) каби исмлар.
2. Кофирларга хос бўлган исмлар. Масалан: Жорж, Жаклин, Яра ва Диана каби. Шунингдек, золимлар ва катта жиноятчиларнинг исмлари. Масалан: Фиръавн, Абу Жаҳл ва Маркс каби.

Иккинчи: шаръий, одоб ва завқ нуқтаи назаридан макруҳ бўлган исмлар:

1. Аллоҳнинг исмларидан деб гумон қилинган (аслида эса Аллоҳнинг исмидан бўлмаган) исмларга бандаликни изофа қилиш. Масалан: Абдулмавжуд, Абдулмақсуд ва Абдуссаттор деб исм қўйиш.
2. Лафзида шумланиш ва мазамматли маънолар бўлган исмлар. Масалан: Ҳарб (Уруш), Ҳимор (Эшак) ва Калб (Кўппак), (Бўрибой, Қўчқорбой (мутаржимдан) каби.
3. Ҳаёсизлик ва ишқ маъноларини ифода этган исмларни қўймаслик одобдандир. Масалан: Севги, Мафтуна, Ниҳод, Сиҳом каби.
4. Диний маънода шахснинг поклигини ифода этган исмлар. Масалан: Барра (Эҳсонкор) каби.
5. Фаришталарнинг исмларини қўйиш ҳам макруҳдир. Масалан: Милок каби.
6. Қуръон сураларининг номларини исм қилиб қўйиш ҳам макруҳдир. Масалан: То ҳа, Ёсин каби.
7. Ясор (Қулайлик), Рабоҳ (Фойда) ва Барака исмларини қўйиш ҳам макруҳдир.

4. Ақиқа

Ақиқа - суннати муаккададир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ҳар бир чақалок ақиқасига гаровга қўйилган. Еттинчи кунда ақиқа сўйилади... - дедилар"** (Имом Аҳмад ривояти).

Ўғил бола учун иккита, қиз бола учун битта қўй ақиқа ўлароқ бўғизланади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **"Ўғил бола учун иккита бир хил, қиз бола учун эса битта қўй (бўғизланади)"** - дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

Ақиқа совлик, қўчқор қўй ҳамда эчкилардан бўлиши мумкин. Чунки, ҳадисдаги қўй лафзи ҳар икки ҳайвонни ҳам ўз ичига олади. Албатта, қўчқор афзалдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **"Ақиқа (чақалок туғилган куннинг) еттинчи ёки ўн тўртинчи ёки йигирма биринчи кунларида сўйилади"** - дедилар (Табароний "Муъжам ас-Сағир" китобида нақл қилди). Ақиқа қилган киши ақиқадан ейиши, садақа ёки ҳадя қилиши мумкин. Бироқ, ақиқа суякларини синдириш макруҳдир.

5. Чақалок сочини (қирдириб) олдириш

Туғилган кунининг еттинчиси яъни ақиқаси сўйиладиган кунда чақалокнинг сочларини қириш, шаръий одоблардандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фотима разияллоҳу анҳо Ҳасан разияллоҳу анҳуни тукқанларида: **"Унинг сочини қиринг ва мискинларга унинг сочи оғирлигида кумуш садақа қилинг!"**- дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

Фотима разияллоҳу анҳо унинг сочларини олдилар. Унинг вазни бир дирҳам (3,12 гр) ёки ундан озроқ эди. Сочни олиш аввал бошнинг ўнг тарафидан бошланади, кейин чап тарафи олинади.

6. Хатна

Чақалокни хатна қилиш шаръий одоблардандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **"Фитрат бештадир..."** дедилар ва улар жумласида хатна қилишни ҳам санаб ўтдилар. Еттинчи куни хатна қилиш мустаҳаб, ундан аввал ёки кейин қилса жоиз. Аммо балоғат ёшига яқин қолса вожиб бўлади.

7. Чақалок учун куня

Чақалокқа Абу Фулон (Фалончининг отаси) ёки Умму Фулон (Фалончининг онаси) деб куня қўйиш расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидандир. Бундай қилиш боланинг ўз шахсиятига бўлган ишонч ва ҳурмат билан улғайиши ҳамда ёмон лақаблардан узоқ бўлишида катта рол ўйнайди.

Эй, баракотлар ато этилган ота:

- Ёшлик чоғларидан исломий тарбия уруғларини фарзандларингиз қалбига экиб, чиройли тарбия олишлари учун тиришингиз!
- Фарзандларингизга намуна бўлингиз! Чунки, қуш инида кўрганини қилади!
- Мана ота ҳам бўлдингиз ва ота-оналик нима эканини ҳаётингизда кўрдингиз. Шундай экан, ота-онангизга яхшилик қилинг ва уларга ҳурмат кўрсатинг!
- Мана энди сочларингизга оқ оралади. Бу – умрнинг ўтиб, тугаётганининг даракчисидир. Бас, ҳаётингизнинг қолган қисмини Аллоҳ таолога тоат-ибодатда ўтказишга ҳаракат қилинг!
- Фарзандларингизга ҳаром нарсани едириб, ичиришдан сақланинг! Чунки, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **"Ҳаром билан ўсган жасад учун жаҳаннам лойиқдир!"** дедилар (Имом Аҳмад ривояти).
- Ўзингиз ва фарзандларингиз ҳаққига кўп дуо қилинг! Бу – пайғамбарлар ва солиҳ бандалар одатларидандир.
- Бу янги туғилган чақалок солиҳ амаллар ва Аллоҳга тоат-ибодат қилиш билан улғайса, ўлимингиздан сўнг охиратда сизга заҳира бўлади. Шунинг учун ҳам, уни тўғри йўлларга йўлланг, унга яхши дўстларни танланг ҳамда ёмон дўстлардан узоқ қилинг! Уйингизда фитна ва бахтиқаролик манбаъларига ўрин қўйманг!

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга салавоту саломлар йўлласин!

(Кенгроқ маълумотга эга бўлиш учун аллома ибнул Қоййим Жавзийя раҳимахуллоҳнинг "Тухфатул-мавдуд би аҳкамил-мавлуд" китобига мурожаат этилсин).

www.islamnuri.com

Мавзу [Ислом Нури](#) веб саҳифасида нашр қилинган